



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2023 yil « 27 » июль

№ ПҚ–238

Туризм йўналишидаги ислохотларни янада жадаллаштириш ва соҳада давлат бошқаруви тизимини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида

Туризм йўналишига қўшимча инвестицияларни жалб қилиш, хусусий сектор учун қулай шарт-шароитлар яратиш орқали туризм инфратузилмасини янада такомиллаштириш, аҳоли бандлигини ошириш, транспорт қатнови йўналишларини кенгайтириш, республиканинг туристик салоҳиятини ички ва ташқи бозорларда тарғиб қилишни жадаллаштириш, шунингдек, соҳани давлат томонидан бошқаришда янги тартиб-таомилларни жорий қилиш мақсадида:

1. Республикага туристлар оқимини ошириш ва туроператорларга давлат томонидан қўшимча кўмаклар кўрсатиш мақсадида 2024 йил 1 январдан бошлаб:

а) туроператорлар томонидан туристик оқим паст бўлган хорижий мамлакатлардан Ўзбекистон Республикасига олиб келинган ҳар бир турист учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тенг улушларда 20 АҚШ долларидан 100 АҚШ долларигача бўлган эквивалентда рағбатлантирувчи субсидиялар ажратилсин.

Бунда, туристик оқим паст бўлган хорижий мамлакатлар рўйхати, олиб келинадиган туристлар сони ва рағбатлантирувчи субсидиялар миқдори ҳамда уларни бериш тартиби экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири томонидан тасдиқлансин;

б) туроператорлар ва авиаташувчиларнинг хорижий мамлакатлардан Самарқанд, Бухоро ва Урганч халқаро аэропортларига амалга оширилган чартер авиақатновлари бўйича харажатларининг бир қисми ҳар бир

хорижий турист учун, у республика ҳудудида камида **беш кеча тунаб қолган тақдирда, 20 АҚШ доллари, қиш мавсумида** (20 ноябрдан 20 февралгача) эса **50 АҚШ доллари эквивалентида** Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қоплаб берилсин.

2. Меҳмонхоналар сонини ва уларда хизмат кўрсатиш сифатини оширишни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 2024 йил 1 январдан бошлаб:

а) 3 юлдузли тоифа учун 60 та хонадан кам бўлмаган, 4 ва 5 юлдузли тоифа учун 120 та хонадан кам бўлмаган хоналар фондига эга беш қаватдан паст бўлмаган меҳмонхона 2026 йил 31 декабрга қадар фойдаланишга топширилган тақдирда, меҳмонхона тоифаси тасдиқлангач, инвесторларнинг янги меҳмонхонани қуриш (реконструкция қилиш бундан мустасно) ва жиҳозлаш учун кетган харажатларининг бир қисмини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қуйидаги миқдорларда қоплаб бериш тизими жорий қилинсин:

3 юлдузли тоифага эга меҳмонхоналардаги ҳар бир хона учун 40 миллион сўм;

4 ва 5 юлдузли тоифага эга меҳмонхоналардаги ҳар бир хона учун 65 миллион сўм.

Бунда, республика бўйича тоифали (юлдузли) меҳмонхоналар мавжуд бўлмаган туман (шаҳар)ларда **янгидан қуриладиган меҳмонхоналарга**, мазкур харажатлар қуйидаги тартиб асосида 50 фоизга оширилган миқдорда қоплаб берилиши белгилансин:

дастлабки 2 та 4 ёки 5 юлдузли тоифага эга меҳмонхоналарга;

дастлабки 3 та 3 юлдузли тоифага эга меҳмонхоналарга;

б) 2026 йил 31 декабрга қадар дунёнинг таниқли ва нуфузли меҳмонхона брендларидан (меҳмонхона брендларининг топ-50 ва меҳмонхона тармоқларининг топ-5 рейтингига кирган) фойдаланувчи Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган ташкилотларнинг роялти харажатлари франчайзинг тўғрисидаги шартнома кучга кирган вақтдан бошлаб уч йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қуйидаги миқдорда қисман молиялаштирилсин:

3 юлдузли тоифага эга меҳмонхона учун – меҳмонхонанинг ҳар битта хонаси учун йиллик 200 АҚШ доллари эквивалентида;

4 юлдузли тоифага эга меҳмонхона учун – меҳмонхонанинг ҳар битта хонаси учун йиллик 400 АҚШ доллари эквивалентида;

5 юлдузли тоифага эга меҳмонхона учун – меҳмонхонанинг ҳар битта хонаси учун йиллик 600 АҚШ доллари эквивалентида.

Бунда, мазкур банднинг “а” ва “б” кичик бандида назарда тутилган субсидияларни қоплаб бериш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармасига ҳар йили **150 миллиард сўм** йўналтирилади;

в) 2025 йил 1 январга қадар тоифаси (юлдуз) бўлмаган жойлаштириш воситалари **уч ва ундан юқори тоифа (юлдуз) олганда**, уларнинг мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш бўйича харажатлари Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаб берилсин.

3. 2024 йил 1 январдан бошлаб ногиронлиги бўлган шахсларнинг саёҳат қилишлари учун қулай муҳит яратишга қаратилган **“Тўсиқсиз туризм” дастури** амалга оширилсин. Бунда:

ҳар йили **“Саёҳат барча учун!” лойиҳаси** доирасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида **минг нафардан ногиронлиги бўлган шахсларнинг** республиканинг туризм салоҳияти юқори бўлган шаҳарларига бепул саёҳатлари ташкил қилинсин;

туризм, маданий мерос, концерт-томоша объектлари ҳамда аэропорт, авто ва темир йўл вокзалларида ногиронлиги бўлган шахсларнинг тўсиқсиз ҳаракатланиши учун зарур инфратузилма яратиш механизмлари жорий қилинсин.

4. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги икки ой муддатда:

“туроператор – меҳмонхона – транспорт – савдо ва сервис” хизматлари биргаликда кўрсатиладиган **туристик кластерлар** фаолиятини йўлга қўйиш чораларини кўрсин;

туристик хизматларни сертификатлаштириш ва туризм инфратузилмаси объектларини таснифлаш жараёни ҳамда жойлаштириш воситаларини туристлар томонидан **QR-код орқали баҳолашнинг тўлиқ рақамлаштирилган тизимини** жорий қилсин.

5. 2026 йил 1 июлга қадар етиб бориш қийин бўлган ва чекка жойларда (аҳоли яшаш пунктларидан камида 10 км ёки қаттиқ қопламали автомобиль йўлларида 5 км узоқликда) алоҳида автоном инфратузилмани яратган ҳолда кемпинглар ташкил этган ва “сафари” туризми хизматларини кўрсатадиган юридик шахсларнинг мазкур фаолият тури бўйича **мол-мулкка солинадиган солиқ** ва юридик шахслардан олинadиган **ер солиғи** ставкалари ушбу солиқлар бўйича ҳисобланган сумманинг **1 фоизи миқдоридан белгилансин.**

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **2023 йилдан бошлаб, ҳар йили 30 ноябрга қадар** туристлар оқимини ошириш мақсадида Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Маданият вазирлиги ҳамда Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги томонидан келгуси йилда ўтказиладиган маданий-кўнгилочар ва оммавий спорт тадбирлари, оммавий-маданий ва концерт-томоша ҳамда санъат ва кинематография тадбирларининг **ягона тақвими** шакллантирилади ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Бунда, ягона тақвимга киритилган тадбирлар **халқаро, республика ва маҳаллий даража**ларга ажратилган ҳолда шакллантирилади ҳамда тадбирлар ҳақида маълумотлар **давлат тилида ва камида иккита хорижий тилда** Туризм қўмитаси, Маданият вазирлиги ҳамда Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг расмий веб-сайтлари, уларнинг тарғибот платформалари ва ижтимоий тармоқларда жойлаштириб борилади.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ туризм йўналишида халқаро талабларга жавоб берадиган **малакали кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш тизимини жорий этиш** мақсадида:

а) малакали кадрлар тайёрлаш йўналишида:

халқаро даражада тан олинган таълим дастурларини **“франшиза” асосида жалб қилиш** йўлга қўйилади;

олий таълим дастурлари **жаҳон рейтингда биринчи 100 таликка кирувчи нуфузли олий таълим ташкилотларининг** таълим дастурлари асосида қайта кўриб чиқилиб, таълим йўналишлари бирлаштирилади;

3 йиллик олий таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш тизими йўлга қўйилади;

таълим ташкилотларида таълим жараёнини амалиёт билан бирга олиб боришни назарда тутувчи **амалиёт базаларини (туроператор, гид (гид-таржимон), меҳмонхона, транспорт хизматлари)** ташкил этиш йўлга қўйилади;

олий ва профессионал таълим дастурларидаги ўқув жараёнини **“блок-модуль” тизимига асосланган дуал таълим шаклида** ташкил этиш йўлга қўйилади. Бунда, ўқув режасидаги амалиётларни туризм мавсуми ҳисобланган ойларда йўлга қўйиш назарда тутилади;

касб стандартлари ва малака талабларини ишлаб чиқиш тизими йўлга қўйилади. Бунда, мазкур жараёнга жалб этилган мутахассисларнинг иш ҳақи харажатлари Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади;

б) туризм йўналишида кадрлар тайёрловчи давлат олий ҳамда профессионал таълим ташкилотларининг туризм, сервис, меҳмонхона хўжалиги ва гид (гид-таржимон) таълим йўналишлари бўйича педагоглар учун ўрта ва қисқа муддатли ўқув курслари Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти, “Ипак йўли” туризм ва маданий мерос халқаро университети ҳамда бошқа олий таълим ташкилотлари томонидан йўлга қўйилади. Бунда:

туризм йўналишидаги давлат олий таълим ташкилотларининг педагоглари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш – олий таълим ташкилотларининг **бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан** (олий таълим ташкилотининг бюджетдан ташқари жамғармаси мавжуд бўлмаган тақдирда, тизимида ушбу ташкилотлар бўлган вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан);

давлат профессионал таълим ташкилотлари педагоглари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш – тизимида ушбу ташкилотлар бўлган вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

в) 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб ҳар йили “Ипак йўли” туризм ва маданий мерос халқаро университетига Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар ҳамда Буюк ипак йўлида жойлашган давлатлар фуқаролари магистратурада давлат гранти асосида таълим олишлари учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 10 миллиард сўмдан кам бўлмаган миқдорда маблағлар ажратиб борилади.

8. Туризм соҳасини янада ривожлантириш ва тизим фаолиятини трансформация қилиш бўйича “йўл харитаси” 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

9. Маданият ва туризм вазирлигига қарашли бюджетдан ташқари **Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси** ва **Хавфсиз туризм жамғармаси** Туризм қўмитасига ўтказилсин.

10. 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб қуйидаги талаблар бекор қилинсин:

турагентларнинг электрон тўловлар, бронь қилиш хизматларини кўрсатадиган камида иккита хорижий тилдаги **веб-сайтга эга бўлиши**;

туроператорларнинг **электрон тўловлар хизматларини** кўрсатадиган веб-сайтга эга бўлиши.

11. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида туризм йўналишида амалга ошириладиган **йирик инвестиция лойиҳалари рўйхати 2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлар Маҳкамаси (А. Арипов), Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (А. Абдухакимов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари мазкур қарорга **2-иловада** келтирилган лойиҳаларнинг ўз вақтида амалга оширилишига масъул этиб белгилансин.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари бир ой муддатда замонавий меҳмонхоналар, шу жумладан модулли меҳмонхоналар қуриш учун ҳар бир ҳудуддан камида 15 та ер участкаларининг электрон аукцион орқали савдоларга чиқарилишини таъминласин.

Белгилаб қўйилсинки, тадбиркорлик субъектлари томонидан **10 миллион АҚШ доллари миқдоридagi** инвестициялар ҳисобига қуриладиган меҳмонхоналарга муҳандислик-коммуникация тармоқлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан етказиб берилади.

13. Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) шафелигида Халқаро туризм академияси Самарқанд кампуси қурилиши пудратчи ташкилот томонидан жалб қилинган кредит маблағлари, Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва Экология жамғармаси ҳисобидан молиялаштирилсин.

Бунда, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги мазкур кампус қурилишини молиялаштириш учун сарфланган маблағларни 2024 йилги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутган ҳолда **2024 йил 1 майга қадар** қоплаб берсин.

14. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **ўн кун муддатда** Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) Бош ассамблеясининг 25-сессиясини ташкил этиш ва ўтказиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан **10 миллиард сўм** ҳамда Экология жамғармасидан **5 миллиард сўм** Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармасига ажратилишини таъминласин.

15. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги Транспорт вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда **икки ой муддатда:**

3 йил давомида республиканинг халқаро аэропортларига транзит авиақатновлар сонини **кескин кўпайтиришни** назарда тутувчи **“Ўзбекистон орқали парвоз”** (“Fly by Uzbekistan”) дастурини;

темир йўл қатновлари сонини ошириш ва унда хизматлар сифатини яхшилашни назарда тутувчи чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

16. Ўзбекистон Республикаси аэропортларини хусусий шерикка бериш бўйича давлат комиссиясининг таркиби **3-иловага мувофиқ** тасдиқлансин.

Давлат комиссияси Урганч ва Бухоро аэропортларини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида инвесторларга бериш ишларини жадаллаштирсин.

17. Белгилаб қўйилсинки:

Туризм қўмитасига биринчи мартаба ишга қабул қилиш замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда юксак профессионал вазифаларни самарали бажаришга қодир бўлган мутахассислар орасидан очиқ танлов асосида амалга оширилади;

Маданият ва туризм вазирлиги тизимидаги туризм соҳасида фаолият олиб бораётган мутахассислар ўз хоҳишига кўра Туризм қўмитасига танловсиз ишга қабул қилинади;

Маданият ва туризм вазирлигига қарашли собиқ Туризм ва маданий мерос вазирлигига тегишли бўлган бино ва иншоотлар ҳамда автотранспорт воситалари, ахборот-дастурий маҳсулотларни Туризм қўмитасига ўтказишда қайта расмийлаштириш учун йиғимлар ундирилмайди.

18. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

19. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири А.А. Абдухакимов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

Туризм соҳасини янада ривожлантириш ва тизим фаолиятини трансформация қилиш бўйича
“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш мuddати	Молиялаштириш манбаси	Масъул ижрочилар
1.	Қабул қилинган ривожлантириш дастурлари, стратегиялар ва концепцияларни амалга ошириш: мамлакат иқтисодиётида туризм индустрияси улушини кўпайтириш. Ушбу йўналишда зарур инфратузилмани ривожлантириш ва дунё бозорида республиканинг туризм салоҳиятини тарғиб қилиш орқали мамлакатнинг ялпи ички маҳсулотида туризм улушини 5 фоизгача етказиш, шунингдек, 2026 йил якунига қадар 11,6 миллиондан ортиқ туристларни, шу жумладан узоқ хорижий давлатлардан – 2 миллион туристни жалб қилиш; туристик-экскурсион хизматлар истеъмолига аҳолининг кенг қатламларини жалб қилиш, ички туризм ҳаракатининг оммавийлигини қайта тиклаш, туризм хизматларини ишлаб чиқишда “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” дастурини амалга ошириш механизминини такомиллаштириш, ҳудудлар ўртасида туристлар ички оқимини кенгайтириш, уларнинг сонини йилга 20 миллиондан ошириш. <i>Амалга ошириш шакли: амалий чора-тадбирлар.</i>	2023–2026 йиллар давомида	Ижрочилар маблағлари	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (А.Абдухакимов), Ташқи ишлар вазирлиги, (Б.Саидов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
2.	Республиканинг туристик жозибadorлигини хорижий давлатларга тарғиб қилиш мақсадида хорижий ва маҳаллий ахборот воситалари вакиллари, туроператорлар учун инфотурлар ташкил қилиш.	2023 йил августдан бошлаб, доимий	Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (А.Абдухакимов)

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш мuddати	Молиялаштириш манбаси	Масъул ижрочилар
	<p>Бунда, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири томонидан белгиланадиган тартиб асосида ОАВ вакиллари учун инфотурлар ташкил қилиш йўлга қўйилади.</p> <p>Амалга ошириш шакли: чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқиш.</p>			
3.	<p>Соҳадаги ташкилот ва муассасаларни давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этиш ва аутсорсинг механизмларини кенг жорий қилиш бўйича қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш:</p> <ul style="list-style-type: none"> соҳага оид тадбиркорлик субъектлари томонидан берилган ташаббусларни қайта кўриб чиқиш; соҳада тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан қўшимча қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, хизматлар сифатини янада оширишга қаратилган ишларни молиялаштириш механизмларини ишлаб чиқиш бўйича Ҳукуматга таклифлар киритиш; соҳада давлат-хусусий шерикликни янада ривожлантириш мақсадида камида 2 та хорижий давлат тажрибасини ўрганиш ва энг илғор тажрибаларни Ўзбекистонда жорий этиш чораларини кўриш; туризм объектлари бўйича туроператор ва турагентлар фаолиятида ўзини ўзи тартибга солувчи ташкилотга аъзолик (иштирок этиш) асосида ўзини ўзи бошқариш тизимини жорий қилиш; туризм соҳаси бўйича Ўзбекистон Республикасининг ишбилармонлик (MICE) туризми салоҳиятини ўрганиш ва ушбу туризм турини ривожлантиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш. Бунда, хорижий эксперт ва олимларни жалб қилиш ҳамда ижобий тажрибаларни ўрганишга қаратилган хизмат сафарларини ташкил қилиш. <p>Амалга ошириш шакли: амалий чора-тадбирлар.</p>	2023 йил давомида	Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирилиги (А.Абдухакимов), Иқтисодиёт ва молия вазирилиги (Ш.Кудбиев)

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш мuddати	Молиялаштириш манбаси	Масъул ижрочилар
4.	<p>Туризмнинг ривожланишига тўсиқ бўлаётган тизимли муаммоларни ўрганиб уларнинг ечими бўйича таклифлар киритиб бориш.</p> <p><i>Амалга ошириш шакли: амалий чора-тадбирлар.</i></p>	Доимий	–	<p>Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (А.Абдухакимов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p>
5.	<p>“Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” дастури доирасида саёҳат қилувчи маҳаллий сайёҳлар сонини 20 миллион нафарга етказиш. Бунда, қуйидагилар амалга оширилади:</p> <p>республика бўйлаб меҳнат жамоаларида фаолият олиб бораётган 228,3 минг нафар ходимларни; “Аёллар дафтари”га киритилган 30 ёшдан юқори 50 минг нафар хотин-қизларни; туристлар оқими камайган мавсумда республика бўйлаб 50 минг нафар ўқувчи-талабалар ва корхоналар ходимларини Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманига; “Мангуберди ватанига саёҳат” номли ички туризм дастури орқали Хоразм вилоятига ўқувчи, талаба ва пенсионерларни; “Оилавий саёҳат” туристик пакетларини жорий этган ҳолда минг нафар нотинч ва кам таъминланган оилаларни; республикадаги мавжуд зиёратгоҳ ва муқаддас қадамжоларга 3 миллион нафар сайёҳларни жалб этиш. <i>Амалга ошириш шакли: амалий чора-тадбирлар.</i></p>	2023 йил давомида	Ижрочилар маблағлари	<p>Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (А.Абдухакимов), Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (Б.Мусоев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p>
6.	<p>Туризм соҳасида ахборот технологияларини ривожлантириш ва бошқарувни рақамлаштириш орқали хизмат кўрсатиш жараёнларини соддалаштириш, соҳадаги коррупцион омилларни бартараф этиш ва шаффофликни</p>	2023 йил декабрь	Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари	<p>Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (А.Абдухакимов)</p>

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш мuddати	Молиялаштириш манбаси	Масъул ижрочилар
	<p>таъминлаш, туристик хизматларни сертификатлаштириш ва туристик индустрия объектларини таснифлаш жараёни ҳамда жойлаштириш воситаларини туристлар томонидан QR-код орқали баҳолашни тўлиқ рақамлаштирилган тизимини ишлаб чиқиш.</p> <p>Амалга ошириш шакли: амалий чора-тадбирлар.</p>			
7.	<p>Республиканинг барча халқаро аэропортларида хоржий туристларга Ўзбекистонда сотиб олинган маҳсулотлар учун қўшилган қиймат солиғини қайтариб бериш тизимини жорий этиш.</p> <p>Амалга ошириш шакли: амалий чора-тадбирлар.</p>	2024–2026 йиллар давомида	–	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (<i>Ш.Кудбиев</i>), Транспорт вазирлиги (<i>И.Махкамов</i>)
8.	<p>Қўйидаги чора-тадбирларни алоҳида режа-график асосида амалга ошириш:</p> <p>Самарқанд, Бухоро, Урганч аэропортларига лоукостерларнинг мунтазам авиақатновларини амалга ошириш;</p> <p>Европа Иттифоқи давлатларидан Самарқанд, Бухоро, Урганч аэропортларига авиақатновларни амалга ошириш учун учрашувлар ташкил қилиш;</p> <p>Самарқанд аэропортига транзит авиақатновлар сонини оширишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш.</p> <p>Амалга ошириш шакли: амалий чора-тадбирлар.</p>	2023–2025 йиллар давомида	–	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (<i>А.Абдурахимов</i>), “Uzbekistan airports” АЖ (<i>Р.Жураева</i>)
9.	<p>Умумий овқатланиш шохобчалари, шу жумладан, ресторан ва кафеларда кўрсатиладиган хизматлар сифатини янада ошириш, жаҳон стандартлари талаблари асосида уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги “Мишлен” юлдузини Ўзбекистонга жалб қилиш бўйича музокаралар ўтказиш ваколатини бериш.</p> <p>Амалга ошириш шакли: амалий чора-тадбирлар.</p>	2023–2024 йилларда	Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва маҳаллий бюджет маблағлари	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (<i>А.Абдурахимов</i>)

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш мuddати	Молиялаштириш манбаси	Масъул ижрочилар
10.	<p>Халқаро йўналишларда амалга оширилаётган парвозлар орқали хорижий туристлар, шу жумладан, зиёрат туризми йўналишида сайёҳлар оқимини ошириш, шунингдек, янги йўналишларни очиш ва мунтазам авиақатновлар сонини ошириш чораларини кўриш.</p> <p>Амалга ошириш шакли: чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш.</p>	2023 йил август	Ижрочилар маблағлари	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (А.Абдухакимов), “Uzbekistan airports” АЖ (Р.Жураева)
11.	<p>Интернет тармоғида хорижий тилларда мамлакатимизнинг туристик салоҳиятини намойиш қилувчи маълумотларни кескин кўпайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш. Бунда:</p> <p>интернет тармоғида тарғибот материалларини кўпайтирганларни рағбатлантириш;</p> <p>узоқ хорижий мамлакатлардан республикага етиб келиш тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш назарда тутилади.</p> <p>Амалга ошириш шакли: чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш.</p>	2023 йил август	Ижрочилар маблағлари	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (А.Абдухакимов), “Uzbekistan airports” АЖ (Р.Жураева), Транспорт вазирлиги (И.Махкамов)
12.	<p>Туризм қўмитасининг фаолият йўналишлари, вазифалари, функциялари ҳамда ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш. Бунда:</p> <p>Қўмита зиммасига юклатилган асосий вазифаларни;</p> <p>Қўмитага юклатилган асосий вазифалардан келиб чиқиб, марказий аппарат, таркибий тузилмалар, ҳудудий бўлинмалар ва тизим ташкилотларининг функцияларини;</p> <p>Қўмита ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари ва тизим ташкилотларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш.</p> <p>Амалга ошириш шакли: норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.</p>	2023 йил ноябрь	–	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (А.Абдухакимов)

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш мuddати	Молиялаштириш манбаси	Масъул ижрочилар
13.	<p>35 гектар майдонда сунъий кўл ва 50 гектар майдонда аквапарк қуриш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш.</p> <p>Амалга ошириш шакли: <i>норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.</i></p>	2023 йил ноябрь	–	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (А.Абдухакимов), Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
14.	<p>Қўйидагиларни назарда тутувчи маданий-кўнгилочар ва оммавий спорт тадбирлари, оммавий-маданий ва концерт-томоша, шунингдек, санъат ва кинематография тадбирларининг ягона тақвимини ишлаб чиқиш:</p> <p>ягона тақвимни шакллантириш тартиби ва мuddатлари;</p> <p>ягона тақвимга киритилган тадбирларни халқаро, республика ва маҳаллий даражаларга ажратган ҳолда шакллантириш;</p> <p>тадбирлар ҳақида маълумотларни давлат тилида ва камда иккита хорижий тилда вазирликнинг расмий веб-сайти, ижтимоий тармоқлар ва тарғибот платформаларига жойлаштириб бориш.</p> <p>Амалга ошириш шакли: <i>норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.</i></p>	Ҳар йил 30 ноябргача	–	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (А.Абдухакимов), Маданият вазирлиги (О.Назарбеков), Ёшлар ишлари ва спорт вазирлиги (А.Икрамов), манфаатдор вазирлик ва идоралар
15.	<p>Туроператорлар томонидан туристик оқим паст бўлган хорижий мамлакатлардан Ўзбекистон Республикасига олиб келинган ҳар бир турист учун Давлат бюджети ва Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан рағбатлантирувчи субсидиялар бериш тартибини жорий қилиш.</p> <p>Амалга ошириш шакли: <i>рағбатлантирувчи субсидия бериш тартибини ишлаб чиқиш.</i></p>	2023 йил декабрь	–	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (А.Абдухакимов)

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш мuddати	Молиялаштириш манбаси	Масъул ижрочилар
16.	<p>Қуйидагиларни: турагентларнинг электрон тўловлар, бронь қилиш хизматларини кўрсатадиган камида иккита хорижий тилдаги веб-сайтга эга бўлиши;</p> <p>туроператорларнинг электрон тўловлар хизматларини кўрсатадиган веб-сайтга эга бўлиши талабларини бекор қилиш.</p> <p>Амалга ошириш шакли: <i>норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.</i></p>	2023 йил август	–	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (А.Абдухакимов)
17.	<p>Қуйидаги хизматларни давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали кўрсатишни йўлга қўйиш ишларини якунига етказиш:</p> <p>оилавий меҳмон уйлари, хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳлар ягона реестрига киритиш;</p> <p>гид (гид-таржимон), экскурсия етакчиси ва йўриқчи-йўл бошловчиларга малака сертификати ва идентификация картасини бериш.</p> <p>Амалга ошириш шакли: <i>норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.</i></p>	2023 йил октябрь	–	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (А.Абдухакимов), Рақамли технологиялар вазирлиги (Ш.Шерматов), Адлия вазирлиги (А.Ташкулов)
18.	<p>Тоифаси (юлдуз) бўлмаган жойлаштириш воситалари уч ва ундан юқори тоифа (юлдуз) олганда, жойлаштириш воситаларининг мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш бўйича харажатларни Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаб бериш тартибини белгилаш.</p> <p>Амалга ошириш шакли: <i>норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.</i></p>	2023 йил ноябрь	Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (А.Абдухакимов)

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш мuddати	Молиялаштириш манбаси	Масъул ижрочилар
19.	<p>Ногиронлиги бўлган шахсларнинг саёхат қилишлари учун қўлай муҳит яратишга қаратилган “Тўсиқсиз туризм” дастурини ишлаб чиқиш.</p> <p>Амалга ошириш шакли: <i>норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.</i></p>	2023 йил ноябрь	–	<p>Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (А.Абдухакимов),</p> <p>Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш.Кудбиев),</p> <p>Транспорт вазирлиги (И.Махкамов),</p> <p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p>
20.	<p>Туроператорлар ва авиаташувчиларнинг хорижий мамлакатлардан Самарқанд, Бухоро ва Урганч халқаро аэропортларига амалга оширилган чартер авиақатновлари бўйича харажатларнинг бир қисмини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қоплаб бериш тартибини белгилаш.</p> <p>Амалга ошириш шакли: <i>норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.</i></p>	2023 йил декабрь	–	<p>Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (А.Абдухакимов),</p> <p>Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш.Кудбиев)</p>
21.	<p>Меҳмонхоналар сонини ва уларда хизмат кўрсатиш сифатини оширишни Давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича қўйидаги тартибларни белгилаш:</p> <p>инвесторларнинг янги меҳмонхонани қуриш (реконструкция қилиш бундан мустасно) ва жиҳозлаш учун кетган харажатларнинг бир қисмини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб бериш;</p>	2023 йил декабрь	–	<p>Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (А.Абдухакимов),</p> <p>Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш.Кудбиев)</p>

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш мuddати	Молиялаштириш манбаси	Масъул ижрочилар
	<p>дунёнинг таниқли ва нуфузли меҳмонхона брендларидан фойдаланиш бўйича Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган ташкилотлар учун роялтини франчайзинг тўғрисидаги шартнома кучга кирган вақтдан бошлаб уч йил мобайнида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириш.</p> <p>Амалга ошириш шакли: <i>норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.</i></p>			
22.	<p>Туризм йўналишида халқаро талабларга жавоб берадиган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш.</p> <p>Бунда, халқаро даражада тан олинган таълим дастурларини “франшиза” асосида жалб қилиш, таълим дастурларидаги ўқув жараёнини “блок-модуль” тизимига асосланган дуал таълим шаклида ташкил этиш.</p> <p>Амалга ошириш шакли: <i>норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.</i></p>	2024 йил февраль	–	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (А.Абдухакимов), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (И.Абдурахманов)
23.	<p>Қўмига марказий аппарати ва тизим ташкилотлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг янги механизмларини жорий қилиш.</p> <p>Амалга ошириш шакли: <i>экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигига буйруғи.</i></p>	2023 йил август	Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва маҳаллий бюджет маблағлари	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (А.Абдухакимов)
24.	<p>Қўмига замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда юксак профессионал вазифаларни самарали бажаришга қодир бўлган мутахассисларни белгиланган тартибда ишга қабул қилиш.</p> <p>Амалга ошириш шакли: <i>амалий чора-тадбирлар.</i></p>	2023 йил август–сентябрь	–	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (А.Абдухакимов), Давлат хизмати ривожлантириш агентлиги (О.Хасанов)

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш мuddати	Молиялаштириш манбаси	Масъул ижрочилар
25.	<p>Қўмита таркибига кирувчи объектларни хатловдан ўтказиш.</p> <p>Қўмита марказий аппарати ҳамда ўз бинолари мавжуд бўлган тизим ва ҳудудий органларнинг маъмурий биноларига қўёш фотоэлектр станция (панель)ларини ўрнатиш.</p> <p>Амалга ошириш шакли: амалий чора-тадбирлар.</p>	2023 йил давомийда	Ижрочилар маблағлари	<p>Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (А.Абдухақимов),</p> <p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p>
26.	<p>Собиқ Туризм ва маданий мерос вазирлигига тегишли мол-мулк, шу жумладан, бино ва иншоотлар, автотранспорт воситалари, мебель ва жиҳозлар ҳамда ахборот-дастурий маҳсулотларини Қўмитага ўтказиш бўйича қабул қилиш-топшириш далолатномаларини расмийлаштириш.</p> <p>Амалга ошириш шакли: амалий чора-тадбирлар.</p>	2023 йил август	–	<p>Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (А.Абдухақимов),</p> <p>Маданият вазирлиги (О.Назарбеков)</p>
